

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

...Мана энди Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятига қилган битта ташрифи неча минглаб кўнгилларга севинч, бахт, умид, ишонч, гўзаллик, нур бағишлаганини чама-лаб кўринг. Сўнгра унинг ёнига яна ўн ташрифни кўшинг. Ўн ташриф – ўн тўлғаниш, ўн уйғониш, ўн эврилиш. Ҳар ташрифдан сўнг ҳеч нима йўқ жойларда азамат корхоналар қад кўтараётгани, чақиртиқан, ажриқ босган ерлар гулларга кўмилиб бораётгани, юз-юзлаб оилалар уй-жойли бўлаётгани-ю, қаерга бош уришини билмай юрган минглаб ёшларнинг иш билан таъминланганини ҳисоблаб кўрсангиз, Президент ташрифларининг мазмун-моҳиятини янада теранроқ ҳис қиласиз.

ТАБАРРУК ТАШРИФНИНГ
ТОТЛИ НЕЪМАТЛАРИ

▼ Юртимиз бўйлаб...

1. ...Исроил – Эрон зиддиятлари кескинлашди. Америка учоқлари Эронга бомба ёғдири. Фаластин – Исроил ўртасидаги муносабатлар таранглашди. Ҳазо секторда очлиқ, ғайриминсоний азоблар. Россия – Украина уруши янаям ваҳимали тусга кирди.

Уруш, ҳавотир, ташвиш, безовта-беоромлик она сайёраимизнинг кечагина гуркираб турган боғларини ўргимчак түридек ўраб бораётган кунларда Ўзбекистон Президенти Тошкент вилоятига борди. Ёзи қуёш зибларига кўмилиб меҳнат қилаётган деҳқонлар, боғбонлар, қурувчилар, йўлсозлар, зибиллар билан учрашди, гурунлашди. Корхоналарга, хонадонларга кирди, одамларнинг орзу-ўйлари, қувонч-ташвишлари, режалари билан танишди, фикрлашди.

Жанжаллар, гарчанд, сарҳадларимиздан описларда бўлаётган эса-да, улар ёш қари – ҳаммамизга илpidан-игнасигача маълум. Шарқнинг доно оқини Абдулла Орипов ташрифлаган



«Қува анори»дек дунёда бўлаётган бўронларни интернет тармоқлари кўзгудай лаҳзама-лаҳза кўрсатиб турганда бирон нарсани яшириш қийин. Она замин қалбдаги жароҳатлар аллақачон ҳаммамизнинг «ёрилмаган яра»мизга айланиб бўлди. Осмонўпар иморатлар ер билан битта бўлди, боғлар қуйди, қишлоқлар ёнди. Ичи музлаб, умиди сўниб, қўли ишга бормай кўчаларда сарсон-саргардон бир қанча мамлакатларнинг бегуноҳ фуқаролари. Дунёвий қонун-қоидалар тугул БМТ ҳужжатлариниям бир қақага олмай қўйган зўравонлар эса ҳали-ҳануз кибру ҳаволардан қутулган эмас.

Улар ёвузлик гирдобига борган сайин чўқурроқ ботиб бораётган дамларда Ўзбекистон Президенти Тошкент вилоятида бўлди.

Мамлакатнинг йирик қўғонларидан бўлган Тошкент вилоятининг барча шаҳару қишлоқларини обод ва кўркем қилиш орзу-ўйлари иқтидорга келганидан буён бир нафас ҳам тиңч қўймаётган давлат раҳбарининг бу галги режалари жуда бошқача...

«Бу диёрнинг энг асосий бойлиги – аслида, унинг меҳнаткаш, бағрикенг, кўп миллатли халқидир», дея ташрифлаган Президентимиз Тошкент вилояти аҳли ҳузурига бораётиб, пойтахт биқинида тубдан қайта қурилаётган «Тошкент – Шарқий» аэропортини кўздан кечирди. Аэропортнинг тўрт километр узунлидаги учиб-қўниш йўлагини, энг йирик самолётларни ҳам бемалол қабул қила оладиган иккита терминалини, перрон ва ангарларини барпо қила-

ётган қурувчиларнинг ишлари билан танишди. Бу манзилни янгидан яратиш ҳам давлат раҳбарининг узоқ йиллик орзуларидан бири эди. Шундан эди қурувчиларнинг «Янги аэропортнинг бош архитектори Президентимиз – Шавкат Мирзиёевнинг ўзлари бўлади!» дея ифтихор билан меҳнат қилишларининг боиси. Дарҳақиқат, аэропорт лойиҳаси, унинг мураккаб нуқталаригача бўлган чизмаларнинг ҳаммаси шахсан Президент ташаббуси билан яратилган. Аэропортнинг Ўзбекистон иқтисодиётига, йўловчиларга келтирадиган беҳисоб фойда ва қулайликларини вилоятда туризм дарвозаларини катта очиб юбориши ҳам беш

қўлдай аён эди Президентга. Амалга оширилаётган ишларни ҳар қадамида синчиклаб кўздан кечирган давлат раҳбари тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар берди, қурувчиларга ташаққуллаб айтди. Меҳрли сўзларни Юртбошининг лафзидан эшитиш кишига қанчалар қувонч, куч ва илҳом бағишлаганини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

2. Яна тасаввур қилингки, сиз қурама тоғлар орасида қумуш камардек ялтираб ётган ўнлаб дарё-оёйларнинг энг шўхи ва гўзали бўлган Паркентсой соҳилида турибсиз.

Тошлардан тошларга урилиб, қирғоқларга майин экинлар сачратганча пастликларга энаётган, бир замонлар Мирзо Бобур от ўйна-тиб ўтган, не-не жангу жадаллар гувоҳи бўлган Паркентсой соҳилида ҳаёт қайнайдиган. Осмонга қўл чўзган кранлар, қурилиш анжомлари ташитган машиналар овози бинокорларнинг хай-хайларига қўшилиб жозибдор, жанговар куйга айланиб кетганки, қараб қўзингиз тўймайди. 5 минг 200 хонадонга мўлжалланган 125 та кўп қаватли уй, 2 та мактаб, 8 та боғча, 10 гектарлик парк, сунъий қўл, сайилгоҳ ва велойўлақлар барпо қилиниши керак олти гектарлик мазкур манзилда. 17 километрдан иборат ички йўллар эса қафсдай текисланади. Бундан ҳам зўри, 24 километр узунлидаги «Байтўрғон – Паркент» электрлаштирилган темир йўли қурилади...

Аслида ҳамир учидан патир ҳали булар. Бир китобга сиғмайди уларнинг барисин сана-сак агар. Шул боис айримларини тилга оламиз: Қумушқонда 100 гектар ерда туризм объектла-

ри қурилади. Олтин бел чўққисида ташкил этиладиган тоғ-чанги курорт зонасида янги кўприк, 7 та дор йўли, 3 та тоғ-чанги йўли, 4 та меҳмонхона, 40 та вилла, 4 қаватли автотурагоҳ, вертолёт майдончаси, ресторан, болалар майдончаси барпо этилади. Австрия компанияси эса 1200 гектар майдонда тоғ-чанги курорти яратади. Лойиҳалар тўла амалга ошганидан кейин кунига 15 минг сайёҳни қабул қилиш имконияти пайдо бўлади Паркентда. Сўқоқ томонларда ҳам айна йўналишда етти гектарлик сайёҳлик маркази ташкил қилиниб, унда 100 кишилик чойхона, 350 хонали 2 та 11 қаватли меҳмонхона, шале типидagi уйлар, соғломлаштириш маркази, автотурагоҳ, сулалар, осма кўприклар, кемпинглар, қузутов майдонлари каби 17 турдаги объектлар барпо қилинади.

Янгидан ташкил этиладиган 54 гектарлик боғда гилос, олма, нок, малинанинг экспортбон навлари ештирилади. Франция ва Испания томонлардан узини узи чанглатиш хусусиятига эга дарахтлар келтирилади. «Ақлли» агрегатлар нами қочган ерларни автоматик равишда сугоради. Бу йил 500 тонна олма, 400 тонна нок, 256 тонна гилос, 30 тонна малина етиштириш кўзда тутилган бўлса, келажакда уларнинг миқдори икки-уч баробар ошади. Қисқаси, туманда қиймати 1 миллиард долларлик 52 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада 3300 та иш ўрни, 1 миллион сайёҳга хизмат кўрсатиш имкони яратилади.

3300 иш ўрни. Бу – 3300 хонадон ободлиги, агар ҳар хонадонда утадан жон бўлса – 9900, 5 тадан бўлса – 16500 инсоннинг хотиржам-

лиги, тўқлиги, эртасига, индинига ишончининг барқарорлиги деганидир! Серфарзанд паркентликлар учун мазкур рақам қанчалар аҳамиятли эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Бир миллион сайёҳга хизмат кўрсатиш эса бир миллион рўзгорнинг тўқислиги, дастурхонининг тўқинлигини таъминлайди.

Жалолиддин Румий ҳазратлари ноёб савҳат эгаларига шундай ташриф берган: «Энг буюк Ҳаж бир кўнгилга йўл топиб киришдир. Бир кўнгил юзларча Қазбадан гўзалдир. Қазба ҳазрати Иброҳимнинг биноси бўлса, кўнгил Аллоҳнинг назаргоҳидир».

3. Мана энди Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятига қилган битта ташрифи неча минглаб кўнгилларга севинч, бахт, умид, ишонч, гўзаллик, нур бағишлаганини чама-лаб кўринг. Сўнгра унинг ёнига яна ўн ташрифни кўшинг. Ўн ташриф – ўн тўлғаниш, ўн эврилиш, ўн уйғониш. Ҳар ташрифдан сўнг ҳеч нима йўқ жойларда азамат корхоналар қад кўтараётгани, чақиртиқан, ажриқ босган ерлар гулларга кўмилиб бораётгани, юз-юзлаб оилалар уй-жойли бўлаётгани-ю қаерга бош уришини билмай юрган минглаб ёшларнинг иш билан таъминланганини ҳисоблаб кўрсангиз, Президент ташрифларининг мазмун-моҳиятини янада теранроқ ҳис қиласиз.

«Ҳис қилиш» ёқимли, албатта. Аммо бундай ютуқларга қандай эришилди? Ер ўша, сув ўша, об-ҳаво, одамлар – ҳаммаси ўша-ўша-ку! Нега шунча йиллар мобайнида фойдаланилмади бундай имкониятлардан? Ёки ҳазрати Хизр бобомиз қутилмаганда хазина топиб, «Олинг, бўталарим», дея совға қилдиларми вилоят аҳлига? Бундай саволларнинг ҳамма жавоби яна Президентга, давлат раҳбарининг вилоят бўйлаб амалга оширган табаррук ташрифларига, халқ ҳузурига йўл олишдан аввал уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун қанча тунларни бедор ўтказгани, китоблар varaқлагани, уйга толгани, дунё тажрибаларини таҳлил қилгани-ю жонини қийнаб изланганларига улашиб кетади.

(Давоми 2-саҳифада) ▼

ЯНА БИР
ЗАМОНАВИЙ
КОРХОНА
ИШГА ТУШДИ

▼ Яхши хабар

Нурафшон шахрининг «Деҳқонобод» маҳалласи ҳудудида ташкил этилган «Elitex» масъулияти чекланган жамиятида замонавий линияларда мато ишлаб чиқариш, бўйаш ва тўқув маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Корхона йилига 450 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, тўлиқ МДХ давлатларига экспорт қилинмоқда. Ишга тушганидан буён 70 та иш ўрни яратилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 11 миллион долларни ташкил этади.

Бандлик:

ФАРОВОНЛИК
УЧБУРЧАГИ«BO`SH ISH O`RINLARI MEHNAT
YARMARKASI»

«ЯРМАРКА ВАКАНСИЙ»


«JOB FAIR»

PISKENTLIK

“MENDELEYEV”

Yaqinda Birlashgan Arab Amirliklarining Dubay shahrida bo`lib o`tgan 57-Xalqaro Kimyo Olimpiadasida yurtimiz yoshlari 2 ta oltin va 2 ta kumush medalni qo`lga kiritib, mamlakat tarixidagi eng yaxshi natijani qayd etishdi. Quvonarlisi, shohsupadan joy olganlar qatorida Toshkent viloyati farzandi Ibrohim Temirov. Piskentlik bu yigit mazkur olimpiadada kumush medalni qo`lga kiritib, tarixiy natijaga o`z hissasini qo`shdi.

▼ Bugunning yoshlari





Абдусайд КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Излаган имкон топади, илож топади, йўл топади, деганлари шу бўлса керак-да.

Фақат Тошкент шаҳри ёки вилояти эмас, умуман, Президентнинг ҳеч қачон, ҳеч қачон шунчаки «томоша» учун бормаслиги, қай ҳудудга йўл олмасин, ҳаммаша ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ташаббус шодалари билан бориши, давлат раҳбарининг қадами етган манзиллар эса ободлик наволарига қўмилиши ажиб анъанага айланиб кетди юртимизда.

Йўқни бор қилиш, мудроқ нигоҳларни уйғотиш, сокин сойларга дарёлар шидда-тини олиб кириш учун қандай роҳатбахш азобларни бошдан кечиргани эса Президентимизнинг ўзи-ю ёлғиз Яратганга аён. Ишончим комилки, бу сўзларда заррача муболага йўқлиги исботга муҳтож эмас. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг дунё тақдирига доир мураккаб масалаларга ҳам шарқона ақл билан оқилона ёндашаётгани, муаммолар тугунини ечиш йўлидаги ноёб қобилияти жаҳоннинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, йирик сиёсатчилари таҳсинига сазовор бўлаётгани ҳам аён ҳақиқат.

Эсланг, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги қанчадан-қанча ўйдим-чучур йўллар текисланди, Европа давлатларининг ишончи қайта туғилди бу заминга, дунё банкларига, ишбилармонларига дарвозалар катта очилди, ҳеч ким тан олмай, аққаланиб қолаётган Афғонистонга муносабат тубдан ўзгармоқда. Зотан, шундай ватанпарвар, тинчликсевар, бир сўзли фазилатлар исботлайди улугъ шахсларнинг тарихдаги ўрини.

Яхши биламиз: Ўзбекистон Президенти учун айтилган сўз – отилган ўқ. Ваъда – вафоси билан азиз. Юзлаб мисоллар келтириш мумкин биргина Тошкент вилоятининг ўзидан.

Масалан, Шавкат Миромонович 2017 йилда Тўйтепа шаҳарчасини вилоят марказига айлантириш ҳақида сўзлади. Сал ўтмай, Тўйтепа қайта номланиб, Нурафшон шаҳри сифатида Тошкент вилоятининг маъмурий марказига айланди. Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди 7-8 йил орасида Нурафшон. Бир маҳаллар Нукент, кейинчалик Тўйтепа номидаги бу манзил катталиги бўйича Бискент, Қанға, Банокат, Тошкент сингари шаҳарлар қаторида турган бўлса-да, умрида бугунгидек ободликлари кўрмаган. Шаҳардаги 22 та маҳалланинг ҳамма кўча ва уйлари бошқатдан қурилди. «Ақлли шаҳар» концепцияси асосида Сингапурнинг «DIPART» компанияси ҳамкорлигида қиймати 2,5 миллиард долларлик ишлар бошланиб кетди. Чигирик ва «ПШК» кўргонлари шаҳар ҳудудига ўтказилди. 246 гектар майдонда 20 минг аҳоли яшайдиган шаҳарча қад ростлаб бошладилар. Иккинчи босқичда аҳоли сонини 63 мингга, шу йил адоғида эса 77 мингга етди.

Тасдиқланган бош режага мувофиқ 246 гектар майдондан иборат шаҳар қурилиши уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 114 гектар ерда 20 минг аҳоли истиқомат қиладиган 72 та бино ва иншоот бунёд этилади. Иккинчи босқичда майдон 95 гектарга кенгайиб, 53 минг аҳоли учун 80 та бино ва иншоот қурилади. Учинчи босқичда қурилиш яна 37 гектарга кенгайиб, 77 минг аҳоли яшайдиган 48 та бино қурилади.

Ҳозиргача 168 ўринга мўлжалланган 2 қаватли «Президент мактаби», замонавий меъморчиликнинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган кўп қаватли уйлар, замонавий бинолар фойдаланишга топширилди. Янги мактаблар, институт ва университет, хибонлар, тижорат банклари, бизнес марказлари, театрлар, кутубхоналар, Ёшлар маркази, амфитеатр, ўйингоҳлар, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш давом этмоқда. Ватанпарвар боғи, Медиа ходимлари ва ижодкорлар боғи, Зулфия Зокировага бағишланган «Матонат мадҳияси» мемориал мажмуаси, гипермаркет, соғломлаштириш йўлаклари қуриляпти. Келгусида Тошкентдан Нурафшонга ҳамда бошқа йўналишларга қатновчи тезорар электробуслар қатнови йўлга қўйилади. Тошкент билан Нурафшон ўртасида ер усти метро қатнови ҳам бу ернинг ўзига хос салоҳияти ифодасига айланади. Президентимизнинг «Европанинг санокли давлатларида бор бўлган энг замонавий шаҳарни биз Тош-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

кент вилоятининг бошлаб берайлик», деган эзгу ниятларининг ифодасига айланади буларнинг ҳамма-ҳаммаси.

Ҳа, Нурафшон ҳадемай «ақлли шаҳар» сифатида мамлакатимиз фахрига айланади.

Яқинда, аниқроғи, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида «Матонат мадҳияси» мемориал мажмуаси зиёратига бўлган журналистлар вилоят ҳокими Зойир Мирзаевнинг сўзларини эшитиб, фахру ифтихорга тўлдилар.

– 2025 йилда 612 минг аҳолини иш билан таъминлашимиз, 25,3 минг оиладаги 115,7 минг кишини камбағалликдан чиқаришимиз керак, – деди ҳоким. – Режани амалга ошириш учун вилоят ҳокимлиги, республика Халқ банки ва Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Банклар томонидан Сайхунобод тажрибаси асосида ҳар бир маҳаллада 40 тадан жами 41 мингта микролойиҳа амалга оширилади, 82 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади. Ҳар бир маҳалладан камиди 10 тадан жами 10250 та хонадоннинг ўртача йиллик даромади 60 – 70 миллион сўмгача етказилади. «Бир контур – бир маҳсулот» асосида жами 649,2 гектарда 61 та намунали лойиҳа амалга оширилади.

Уйчи тажрибаси асосида 150 мингта доимий иш ўрни яратилади. Бунинг учун 10,8 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилади.

Бундан ташқари, 2025 йилда 2,4 миллиард долларлик экспорт амалга оширилиши ва ўтган йилдагига нисбатан 166 фоиз ўсиш таъминланиши керак. Жумладан,

чи уйим» янги ипотека дастурини Тошкент вилоятининг бошлаб ташаббуси жорий қилинган, «Чирчиқ» кимё-индустриал технопарки очилган, 2023 йили Оҳангарон туманидаги «Ташкент Конч цемент», Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ташкент коттон текстиль», Юқори Чирчиқ туманидаги «Азия Ташкент текстиль», «Салюбрис Вита», Ангрен шаҳридаги «Ангрен каолин», «Централ Азия Кемикалс», Нурафшон шаҳридаги «Агро Нью Дрип», Чирчиқ шаҳридаги «Шарқ Тюбс», Паркент туманидаги «Самсарақ фэйз» ва «Шабнам Элегант» каби йирик корхоналарнинг ишга туширилгани ҳамда бу корхоналарда цемент, калава ип, тўқимачилик, фармацевтика, бойитилган каолин, кимё маҳсулотлари, томчилатиб сугориш шланглари, рангли металллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани; 2024 йилда ОКМК таркибидаги «Ёшлик – 1» кони негизда 4-мис бойитиш фабрикасига старт берилгани, Тошкент – Хўжакент йўналишида янги электропоезд қатнови бошлангани, вилоят корхоналари томонидан шу йилнинг ўзига 7 507,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани ва бу 2017 йилдагига нисбатан 7 баробар кўплиги, 100 дан ортиқ давлатлар билан инвестиция ва экспорт соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилгани, инвестиция дастурлари доирасида 71 та давлат билан умумий қиймати 11,5 миллиард долларга тенг 200 дан зиёд инвестиция лойиҳалари портфели шакллантирилгани, биргина Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлигида 4 миллиард доллардан ортиқ 25 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётгани қабилад қўшилса, манзаранинг салобати янада тинчлашади.

ТАБАРРУК ТАШРИФНИНГ ТОТЛИ НЕЪМАТЛАРИ



саноат маҳсулотлари экспорти 2,2 миллиард долларга, мева-сабзавот экспорти 220 миллион долларга етиши зарур.

Ҳокимнинг сўзларидан аён бўлдики, экспорт ҳажмини ошириш вилоятда ривожланиш драйверига айланган. Унга кўра экспорт ҳажми тўқимачиликда 480 миллион долларга, электротехника соноатида 332 миллион, қурилиш материалларида 200,6 миллион, озиқ-овқат соноатида 175,7 миллион долларга кўпаяди.

Туризм соҳасида 2025-2026 йилларда умумий қиймати 3 миллиард 285 миллион АҚШ долларига тенг 265 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилади ва 14 минг 487 та янги иш ўрни яратилади.

Биргина «Чорвоқ дарвозаси» лойиҳаси бўйича Ангрен дарёси, Паркентсой ва Чинознинг Сирдарёга туташ соҳилларида бир қанча кўп қаватли уйлар, меҳмонхоналар, дам олиш ва кўнгилочар масканлар, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари ишга туширилади.

Бекобод туманининг янги ҳокими З. Низомиддиновдан Сирдарё устида янги кўприк қурилаётгани, яқин келажақда эса Ховос шаҳарчасидан Бекобод, Бўка, Пискент, Паркент бўйлаб қуриладиган темир йўл ҳақида эшитганимизда, мамлакат раҳбарининг таширфлари нақадар серхосил эканини яна бир қарра англадик.

4. Ҳа, ютуқларнинг ҳаммаси Президент таширфларининг ширин мевалари. Уларнинг қаторига 2018 йилги таширфдан кейин «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятига қарашли йирик инвестиция лойиҳаларидан бири – ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехининг ишга туширилгани, 2021 йилда ОКМК таркибидаги «Ёшлик – 1» кони негизда 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши ва Юқори Чирчиқ туманида «Astrum» IT академияси ўз фаолиятини бошлаб юборгани, 2022 йилда Зангиота туманида «Менинг бирин-

5. – Президентимиз ҳаммаша «кўзга кўринмас» имкониятлар илдинини топиб, улардан фойдаланиш чора-тадбирларини кўрсатиб берадилар, – сўзида давом этади вилоят ҳокими. – Бир келганларида хитойлик тадбиркор, «Galanz» компанияси асосчиси Лян Чжаосян ҳақида сўзладилар. Дунёдаги энг йирик маиший техника ишлаб чиқарувчи заводлардан ҳисобланган мазкур компания ташкил толган 1992 йилда Хитой бўйича ҳаммаси бўлиб атиги 200 мингта микротўлқинли печь чиқарилган экан. Орадан икки йил ўтган, компания деярли 5 минг дўкондан иборат миллий савдо тармоғи барпо қилади, ўн йилдан кейин кунига юз минг микротўлқинли печь ишлаб чиқара бошлади. 2013 йилда 4,5 миллиард доллардан ортиқ даромад олиб, қирқ минг кишини иш билан таъминлайди. Лян Чжаосян 1,01 миллиард доллар бойлик билан «Forbes»да дунёнинг энг бой одамлари рўйхатида киряди. Бу ҳикоя вилоятимиздаги жуда кўп тадбиркорларга илҳом бағишлайди.

2017 – 2024 йилларда тадбиркорлар томонидан амалга оширилган ишлар вилоят ҳокимининг сўзлари нақадар тўғрилигини тасдиқлайди. Яна мисолларга мурожаат қилимиз. 2019 йили Бўстонлиқ туманида «Амирсой» тоғ-чанги курорти расман иш бошлади. 2020 йилдан вилоятнинг 6 та ҳудудини «Олтин халқа» туризм концепцияси асосида ривожлантиришга киришилди. 2021 йили Паркент туманининг сўлим гўшалардан бири Кумушкон маҳалласи республикада биринчи «Туризм қишлоғи», «Туризм маҳалласи» мақомини олди. 2021 йилдан буён Тошкент вилояти «Халқаро жепп спринт» мусобақасига мезбонлик қилмоқда.


Вилоятда ўтган 5 йилда 267 та туризм объекти барпо этилиб, соҳага 5,5 триллион сўм ва 156,1 миллион доллар хорижий инвестиция жалб қилинди.

2024 йили 282 миллион доллар миқдориди 56 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 1042 та янги иш ўрни яратилди. Вилоятга 16 миллион 337 минг нафар турист келди. Уларнинг 984,2 минг нафари хорижий туристлардир. Туризм хизматлари экспорти 390 миллион АҚШ долларига етди.

Ҳозир 74 та оилавий меҳмон уйи ҳамда маҳаллий ва хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи 46 та туристик фирма фаолияти йўлга қўйилган. Оҳангароннинг Эртошсой ва Овжасой қишлоқларига, Паркентнинг Чашма, Кумушкон қишлоқларига «Туризм қишлоғи» мақоми берилган.

Чирчиқ давлат педагогика университети-нинг туризм факультети ва Бўстонлиқ

нинг чойхона палови, Пискент мантиси, Чинознинг қовуриб, карсиллатиб пиширилган қарас балиғи ёхуд Бўстонлиқнинг «Бочка маставаси», Қибрай ҳалими, Юқори ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги корейс куксиси каби ноёб таомларни эсга олмаслик мумкин эмас. Вилоятдаги ҳар бир миллатнинг ўзига хос бадийи жамоалари мавжуд. Масалан, Ангренда «Чотқол наво-лари» халқ фольклор-этнографик жамоаси, «Шош Илоқ маржонлари» фольклор жамоаси ва «Анъана» болалар фольклор тўғараклари бор. Уларда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналар тараннум этилса, Оҳангарон шаҳридаги «Қурама» фольклор-этнографик халқ ансамбли ва Чирчиқ шаҳридаги «Сўғдий» тожик мил-



туризм ва сервис коллежида 542 нафар талаба тахсил олмоқда. 2024 йилда таълим муассасаларини тамомлаган ёшларнинг 152 нафари ўз йўналиши бўйича ишга жойлаштирилди.

Вилоятда туризм диверсификацияси, яъни ҳудудларда туризмнинг аниқ бир йўналишлари бўйича ихтисослашув дастури қабул қилинган. Унга кўра, Зангиота ва Тошкент туманларида тиббиёт туризми, Оҳангарон, Пискент, Чиноз ва Ўрта Чирчиқ туманларида ов туризми, Бўстонлиқ, Паркент туманлари ва Ангрен шаҳрида тоғ экстремал туризми, Зангиота, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон, Оқўрғон, Юқори Чирчиқ туманлари ва Ангрен, Нурафшон шаҳарларида зиёрат туризми, Бўстонлиқ, Паркент, Чиноз, Бўка, Янгийўл, Қибрай туманлари ва Янгийўл шаҳрида гастрономик туризм, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари ва Ангрен шаҳрида эко ва агротуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Сув ҳавзалари бўйларидан туризм мақсадида унумли фойдаланиш йўналишида «Тўйбўғиз» сув ҳавзасидаги «ТашВегас» оромгоҳида замонавий бассейн ва пляж фойдаланишга топширилди. Нурафшон шаҳрида сунъий кўл ҳавзаси ташкил этилиб, доимий равишда таширф буюрувчиларга концерт дастурлари ва кўнгило-чар хизматлар кўрсатилмоқда. Бўстонлиқ туманининг «Хевенс Гарден» дам олиш масканида Сингапурнинг «Марина-Бей» сув ҳавзаси андазаси асосида замонавий бассейн бунёд этилди. Кичик ҳажмдаги сув ҳавзалари сонини 184 тадан ошиб кетди.

6. Тошкент вилоятини мамлакатимизнинг энг йирик ҳудудларидан, дедик. Дарҳақиқат, бир томони Қозоғистон, бир томони Қирғизистон ва Тожикистон республикалари, яна бир томони Наманган ва Сирдарё вилоятларига тутшиб кетган бу заминнинг 15 та тумани ва 7 та шаҳрида 80 миллатга мансуб 3 миллион 100 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда.

Қурама, Писком, Угом, Чотқол каби тоғлар атрофида кўр тўкиб турган заминнинг Чирчиқ-Оҳангарон водийси, Қурама тоғи, Ангрен ва Олмалиқ атрофлари мис, полиметалл рудаларига, олтин, қумуш, кўрғошин, алюминий каби фойдали қазилмаларга, кўнғир кўмир, молибден конлари, плавик шпати ва дала шпати ҳамда турли хил қурилиш материалларига тўла.

Вилоятда энергетика, машинасозлик, металлургия, кўмир, кон металлургияси, кимё саноати, пойабзал, пахта тозалаш, озиқ-овқат, тўқимачилик ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари гуржираб ривожланмоқда. Бекобод шаҳридаги «O'zmetkombinat», Олмалиқ шаҳридаги ОКМК, Ангрен кўмир конлари, Чирчиқ қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги кластери қабиладнинг шуҳрати мамлакатимиз ташқирисиди ҳам маълум ва машҳур.

Вилоят ҳақида сўз борганда, Сўқоқ қабоби, Паркентнинг мадор сомсаси, Бўка-

лий маданият марказида турли миллатларга мансуб аҳолининг дилбар куй-қўшиқлари қуйланади.

7. Аммо, таъкидлаш керакки, қадимдан Буюк Ипак йўлидаги илм-фан, ҳўнар-мандчилик, маданият тараққий этган маконлардан бўлган Тошкент вилоятининг тарихи ҳали-ҳануз мукаммал ўрганилган эмас. Хўжакент яқинидаги ғордан топиладиган тош даврига мансуб одам суягининг қолдиқлари ва қоялардаги суратлар бу воҳада қадимда ибтидий одамлар яшаганидан далолат берса, Юнон, Хитой ва Шарқ манбаларида миллоддан аввалги V – II асрларда ҳам бу заминда давлат тартиби истиқомат қилгани айтилади. Қўлбўлоқ яқинидаги Қизилполмасой ва Қўшсойдан топиладиган қадимий тош қуроллар ясалган устахона эса вилоят замини олис-олис замонларда ҳам одамларнинг муқаддас манзилгоҳи бўлганидан далолат беради.

Чирчиқ водийсидаги Бурганли сойидан топиладиган темир даврига оид сопол, металл, тошдан ясалган уй-рўзгор буюмлари, жумладан, чойнаксимон тумшўқли ва қўлоқли қозонлар, меҳнат қуроллари миллоддан аввалги асрларда ҳам вилоятда ривожланиш бўлганини тасдиқлайди.

Кейинчалик воҳада қалъа ва шаҳарчалар қўпайиб кетгани боис бу ерларга Шош, яъни минг қалъали давлат таърифи берилади. Минг қалъаларнинг бири бўлган Оқтепа кўргонини ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Мустаҳкам мудоффа деворлари билан ўралган қалъа илк ўрта аср шаҳарларининг арки ва шахристонини бўлган.

Ҳозир вилоятда сайёҳлар борадиган 20 га яқин машҳур зиёрат манзиллари бор. Шайх Умар Вали, Авлиёсойдаги Икрийма ота, Қадамчи бува, Авлиё Парпи ота, Қирғизобод ёки Қирққиз моми зиёратгоҳлари шулар жумласидандир.

Умуман, ҳозир Тошкент вилоятининг археологик ҳаритасига 760 та қўхна манзилгоҳ, шаҳар ва қишлоқ харобалари, қадимги қабристонлар, мудоффа ва ирригация иншоотлари киритилган. Киритилмаган ва ўрганилмаганлари яна қанча экани эса маълум эмас.

Маълуми шуки, Ўзбекистон Президентининг вилоятга ҳар сафарги таширфида барча соҳалар каби азиз-авлиёларнинг қадамжоларини обод қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улугъ боболаримиз қўллаб турган юрт эса ойма-ой, кунма-кун ривожланиб, юксалиб бораётир.

Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг Қўрқам боғларида чинор бўлмайди. Дилбар лавҳаларни кўрган инсоннинг Қалби дарё-дарё нурга тўлмайди.

Чашмалар сойларга бўлмайди йўлдош, Рўёбга чиқмайди эрталар, тушлар. Фалакда яқинраб нур сочай қуёш, Бардавом бўлмайди кутлугъ таширфлар...

("Халқ сўзи" газетасининг 2025 йил 17 июль сонидан олинди.)

▼ ИМКОНИАТ

МАҲАЛЛАДА
ЯХШИ ГАПЛАР КЎП

Бекобод туманидаги Фарҳод номли маҳаллада 622 та хонадонда 3 минг 217 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 2 минг 298 нафари деҳқончилик ҳамда чорвачилик билан шугулланади. Жорий йил бошидан буён 114 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Маҳаллада ўтказилган хатлов натижасида 10 та камбағал оила аниқланди. Уларнинг даромади ўртача 1-2 миллион сўм атрофида. Ҳозирги кунда маҳаллада камбағаллик даражаси 6,1 фоизни ташкил этмоқда. Белгиланган чоралар билан бу кўрсаткични 2025 йил якунигача 4,7 фоизга тушириш режалаштирилган.

Маҳаллада меҳнат муҳожирлари билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Айни пайтда хорижда меҳнат қилаётган 44 нафар фуқаронинг 25 нафари юртга қайтарилган, уларни иш билан таъминлаш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳудуддаги ёшларга 30 йил муддатга ер майдонлари ажратилди.

— Маҳалламиздаги 810 та хонадоннинг 118,8 гектар томорқаси тўлиқ хатловдан ўтказилиб, шундан 118,1 гектарига экин экилди, — дейди ҳоким ёрдамчиси Сардор Исмоилов. — Масалан, Жасур Ботиров томорқасидаги 9 сотих ерда бодринг етиштириб, 60 млн. сўм даромад олди. Нигора ва Акмал Элчиновлар 33 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан тикувчилик цехини ишга туширишди. Уларнинг йиллик даромади 70 млн. сўмга етди. Яна бир маҳалладошимиз Зебохон Аллабердиева 100 ўринли хусусий боғча очди. Тадбиркор Баҳодир Болтабоев ажратилган 33 млн. сўм кредит ҳисобидан 2 минг бош ўрдак сотиб олиб, парвариси билан 12 со-



тих майдонга помидор кўчатини эккандик, — дейди шу маҳаллалик Абдор Йўлдошов. — Бугунгача 4 марта ҳосил йиғиб олдик. Ҳали далада ҳосил мўл. Шунингдек, узуммимиз ҳам шигил мева қилган.

Сўнгги йилларда маҳалланинг инфратузилмаси ҳам янгиланмоқда. Бир вақтлар зимистон бўлган кўчаларга ёритиш чироқлари ўрнатилиб, 1,2 км. пиёдалар йўлаги қурилди. Ҳудуддаги 22-сонли умумтаълим мактаби ва оилавий шифокорлик пункти таъмирланди. Давлат боғчаси замонавий кўринишда қайта қад ростлади.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Муаллиф олган сурат

Aslida Ibrohimga kimyo sohasi begona emas. Uning otasi qariyb 22 yildan buyon Olmaliq kon metallurgiya kombinatida kimyo sohasida faoliyat yuritib keladi. Shunday bo'lishiga qaramay uning kimyo fani bilan do'st tutinganiga uncha ko'p bo'lgani yo'q.

— Ushbu fanga mehrim 9-sinfдан tushgan, — deydi olimpiada vitse-chempioni Ibrohim. — Ayniqsa, dars jarayonlaridagi amaliy mashg'ulotlar juda ham qiziqarli bo'lardi. Darslardan so'ng ham ustozlarim bilan turli tajribalar qilardik. Bu qiziqish meni Olmaliq shahridagi "Buxoro maktabi" xususiy ta'lim tashkilotiga yetakladi. Kirish imtihonlarida kimyo fanidan 100 foizlik natija qayd etib o'qishga qabul qilindim. Shu tariqa, kimyo fani bilan uzviy bog'landim.

Ibrohimning tinimsiz izlanishlari ko'p o'tmay mevasini bera boshladi. Yosh kimyo-

PISKENTLIK "MENDELEYEV"



gar dastlab, fan olimpiadasining viloyat bosqichida g'olib bo'lib, respublika yo'llanmasini qo'lga kiritadi. Hal qiluvchi bosqichda esa uchunchi o'rinni egallaydi.

— Ushbu olimpiada mening kamchiliklarimni ko'rsatib bergandi, — deya eslaydi Ibrohim. — Shundan so'ng o'z ustimda ishlashni yanada kuchaytirishimni, aks holda sohada katta yutuqlarga erisha olmasligimni anglab yetganman. Maktabda ustozlarimdan saboq olsam, uyda otam ko'mak berardilar. Ularining ishonchi va bergan saboqlari bugungi muvaffaqiyatlarimga sabab bo'lgan, aslida.

Joriy yil yosh kimyogar uchun muvaffaqiyatli boshlandi. U dastlabki muvaffaqiyatiga 5-13-may kunlari Braziliyada tashkil etilgan 59-Xalqaro Mendeleev kimyo olimpiadasida erishdi. Dunyoning 40 davlatidan 192 nafar o'quvchi ishtirok etgan mazkur nufuzli musobaqa yakunida O'zbekiston terma jamoasi 3 ta oltin, 2 ta kumush va 2 ta bronza medalini qo'lga kiritgan, oltin medallardan biri aynan Piskent o'g'loniga tegishli edi.

Keyingi muvaffaqiyati 28-may — 4-iyun kunlari Toshkent shahrida o'tkazilgan Abu

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

Rayhon Beruniy nomidagi xalqaro kimyo olimpiadasida qayd etildi. Ikkinchi marotaba o'tkazilayotgan ushbu olimpiadada turli mamlakatlardan 69 nafar iqtidorli yoshlar ishtirok etishdi. Quvonarlisi, bellashuvlar yakunida vakillarimiz 6 ta oltin, 8 ta kumush va 5 ta bronza — jami 19 ta medalni qo'lga kiritib, musobaqaning umumiy reytingida birinchi o'rinni egalladi. E'tiborlisi, Ibrohim Temirov yana oltin medalga sazovor bo'ldi.

Bu hali hammasi emas edi. Ibrohimni eng nufuzli musobaqa — 57-Xalqaro Kimyo Olimpiadasi kutib turadi. Undagi ishtirokning ahamiyati vakillarimiz uchun juda muhim edi. Boisi, musobaqa yakunida olimpiadaning ramziy bayrog'i g'oliblarga topshirilardi. Buni his qilgan yoshlarimiz bor mahoratlarini ko'rsatib, mamlakatimiz tarixidagi eng yaxshi natijani qayd etishdi. Ramziy bayroqni topshirish marosimida xalqaro mutaxassislar tomonidan ularning natijalari alohida e'tirof etildi.

Darvoqe, davlatimiz rahbarining mamlakatimizda ilimiy yoshlarni yanada qo'llab-quvvatlash, ularning bilim salohiyatini munosib rag'batlantirish maqsadida "Prezident iqtidorli farzandlari" tashabbusini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"

gi farmonini qabul qilgan, unga muvofiq, nufuzli xalqaro olimpiadalar, xalqaro olimpiadalar va mintaqaviy xalqaro olimpiadalar g'oliblari, ularning o'qituvchilari va terma jamoalar rahbarlariga to'lanadigan bir martalik pul mukofotlari miqdoriga o'zgartirishlar kiritilgan edi.

Shunga ko'ra, Xalqaro kimyo olimpiadasida kumush medalni qo'lga kiritgan Ibrohim 562 million so'm miqdorida moddiy rag'batlantirildi. Bundan tashqari, u va sovrindorlar qatorida bo'lgan yoshlarimiz respublikamizdagi kimyo yo'nalishi mavjud bo'lgan rahbarlariga to'lanadigan bir martalik pul mukofotlari miqdoriga o'zgartirishlar kiritilgan edi.

Ibrohimning kelajakdagi maqsadlari ulkan. U kelgusida kimyo sohasini chuqurroq o'rganib, ko'plab ilmiy yangiliklar qilishni, yurtimizda bolalarga ushbu fandan saboq berib, olimpiadalarda katta yutuqlarga erishishiga ko'maklashishni xohlaydi. Uning bu orzulari ushulishiga tilakdoshmiz. Zero, har bir iqtidorli yosh mamlakat rivoji uchun mustahkam poydevor yaratishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Suhrobjon SADIROV

▼ Жараён

Бугун маҳаллаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар замирида халққа яқин бўлиш, уларнинг дардини эшитиш ва ечим топишга интилган янги тизим —

ҳоким ёрдамчилари институти турибди. Улар ҳар бир хонадон эшигини тақиллатиб, муаммоларни ўрганаётган, ечим таклиф қилаётган фаол шахслардир.

ЛАВОЗИМ ИККИТА,
МАҚСАД БИТТА

Зангиота туманидаги "Қиргузар" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Асия Кудайбергеновнинг фаолиятини ўрганиб, шундай хулосага келдик.

— Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос анъаналари, имкониятлари бор, — дейди Асия. — Ҳамма гап — ундан тўғри ва самарали фойдаланишда. "Ўсиш нуқтаси"ни аниқлаб "драйвер"га айлантирилса, янги иш ўринлари ва даромад келишига имкон яратилади. Ҳозир изланган, ҳаракат қилган одам учун барча имконият бор. Фақат пухта режа, аниқ мақсад бўлса бас. Шу ўринда савол туғилади? Ҳўш, олдига аниқ мақсад қўйиб, иш бошлашни ният қилган кишида маблаг бўлмаса-чи? Айнан шу масалада биз фуқароларга яқин кўмакчи бўлялмиз. Яъни, маблагни йўқларга молиявий ёрдам таклиф этамиз. Натижада хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаси ривожланмоқда. Мисол учун, авваллари маҳаллада атиги тўртта тadbirkor бор эди, ҳозир уларнинг сони 82 нафарга етди.

Асия ҳоким ёрдамчиси бўлган, дastлаб маҳалла шароитини яхшилаб ўрганиб, қандолатчилик йўналишида кооперация ташкил этди. Фаолияти тўхтаб қолган "Ширинлик дунёси" оилавий корхонасига молиявий ёрдам бериб, қайта иш бошлашига эришди. Хитой сафарига ўрганганлари асосида "Patriss" бренди остида қандолатчилик кооперацияси ташкил этилди. Бунинг учун "Оилавий тadbirkorлиқни ривожлантириш дастури"га кўра, 800 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 320 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозир масъулияти чекланган жамият шаклидаги кооперация қошида 74 та савдо дўкони, 4

та кичик қаҳвахона ишлаб турибди. 62 нафардан зиёд фуқаро етакчи тadbirkor Даврон Каримовга бириктирилган.

Шунингдек, "Ҳар бир оила — тadbirkor" дастури доирасида 2024 йилда маҳалладаги 16 нафар фуқарога 33 миллион сўмдан имтиёзли кредит берилди. Уларнинг аксарияти ижтимоий дафтарларда рўйхатда турувчи фуқаролардир. Маҳалладаги ишсиз ёшлардан 18 нафари касб-ҳунар ўрганиши учун тумандаги мономарказга йўналтирилди.

Маҳаллада миграциядагилар билан ишлаш ҳам алоҳида эътиборда. Утган йилги хатловда 21 нафар фуқаро рўйхатга олинган эди. Кам маошли ишда меҳнат қилаётган, оғир вазиятга тушиб қолган фуқароларга ҳоким ёрдамчиси фойдали таклиф бериб, уларни ишонтира олди. Натижада мигрантларнинг 17 нафарини Ватанга қайтишига эришди.

Жумладан, Дилобар Ортиқова оилавий шароити яхши бўлмагани боис, 10 йилдан бери хорижда ишларди. У билан боғланган Асия аёлнинг ўзга юртларда қийналиб қолганини аниқлади. Дилобар ҳам тadbirkorликка қизиқиши борлигини, агар имтиёзли кредит бе-



рилса, юртга қайтишини айтди. Ўзаро ишонч уйғонган, Дилобар оиласи бағрига қайтди. Унга 33 миллион сўм кредит ажратилди. Ҳозир у қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тadbirkorга айланган, 3 та иш ўрни яратиб, ойига 6 миллион сўм фойда кўрмоқда.

Дониёр Иброҳимов ҳам кўп йиллар оиласидан узоқда яшади. У билан ҳам суҳбат ўтказилди. Ватанга, оиласи бағрига қайтса, хориждагидан кам бўлмаган даромад топиши мумкинлигига ишонтиришди. Қайтиши биланок, 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига дарвоза ва панжара ясашга ихтисослашган оилавий корхона ташкил этди.

Нусратилла Ниғомхўжаевга мебелъ цехи учун 33 миллион, Нигора Дадаевага тикувчиликни йўлга қўйиши учун 6 миллион сўм кредит берилди. Натижада маҳаллада кўшимча 7 та иш ўрни яратилди.

Хабарингиз бўлса, "Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, юқори натижага эришиб келаётган, ижобий тажрибага эга 50 нафар ҳоким ёрдамчиларидан иборат "Лойиҳа менежерлари" гуруҳи ташкил этилган эди. Гуруҳ таркибидagi ҳар бир ҳоким ёрдамчиси самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган туман(шаҳар)лардаги маҳаллаларга олти ойга хизмат сафа-

рига юборилиши белгиланган. Асия ҳам мазкур гуруҳ таркибida Наманган вилоятининг Норин ҳамда Мингбулоқ туманларидаги 8 та маҳаллага бириктирилди.

— "Лойиҳа менежери" сифатида танлаб олинганимда, кўп танишларим бу ишни эплашимга шубҳа қилишди, — дея давом этди Асия. — Шунча вақт оиламдан узоқда ишлай олишимга ишонимшмади. Ўзим ҳам иккиланиб қолганимда, турмуш ўртоғим, қайнонам далда бўлишди. Тўғри, дastлаб осон бўлмади. Бегона ҳудуд, нотаниш одамлар билан ишлашга қийналдим. Лекин чекинмадим. Лойиҳаларимни ҳаётга татбиқ этиш, билдирилган ишончини оқлаш учун икки туман ва икки вилоят орасидаман. Раҳбарларни ҳам тинч қўймадим. Бугун ҳар икки тумандаги маҳаллаларда 70 та тadbirkorлик субъекти ташкил этишга эришдим. Шунингдек, бу туманларда иш ўргатиш билан бирга уларнинг деҳқончилик, томорқачилик борасидаги тажрибаларини ўз маҳалламда қўллашни ният қилиб қўйдим.

Яқинда юртимиздаги ҳамма вилоятлардан бир қанча ҳоким ёрдамчилари Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятларига танишиш ва тажриба алмашиш учун боришди. Тошкент вилоятидан Асия ягона вакил сифатида қатнашди.

— Утган йили Туркия сафарига борганим, бу йил делегация таркибida Қирғизистонга бордим, — дейди Асия таассуротларини яширмлай. — Мени танлашганидан хурсанд бўлдим. Туркияда ўрганганларим бўйича маҳалламизда кичик лукум тайёрлаш фабрикасини йўлга қўйган эдим. Бу сафар аҳоли томорқаларидан янада унумли фойдаланиш ҳамда туризм йўналишини мукаммал ўрганишни мақсад қилдим. Қирғизистонда "Nomad Store" ҳунармандчилик маркази билан танишдим. Бундан ташқари, "Too Moyni"даги қишлоқ ҳўжалиги учун органик маҳсулотлар етиштирувчи марказда ҳам бўлдим. Ўш шаҳрида туризм бўйича энг юқори ўринда турувчи "Қара-қўй" дам олиш маскани фаолиятини ўргандик. Жалолобод вилоятида эса аёллар тadbirkorлигининг муваффақиятли намунаси бўлган "Good Night-Hayrlı tun Jalolobod" меҳмонхонаси тақдиротида иштирок этдик. Сафар давомида ўрганганларимни маҳалламизда ва лойиҳа менежери сифатида бириктирилган туманларда жорий этишга ҳаракат қиламан.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

▼ Ижтимоий хизмат

ИНСОН АЗИЗ

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 8 майдаги "Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижтимоий хизматларни такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди.



Мазкур ҳужжат асосида замонавий, самарали ва инсонпарвар ёндашувлар жорий этилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида ҳам бу борадаги фаолият эътиборга лойиқ.

Оҳангарон шаҳрида ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз яшовчи ва ногиронлиги бўлган 103 нафар фуқаро аниқланган. Уларга манзилли хизмат кўрсатиш мақсадида жорий йил июль ойидан бошлаб шаҳар "Инсон" ижтимоий хизматлар марказининг 21 нафар ассистенти томонидан ваучер асосида уй шароитида ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Жумладан, ижтимоий ассистентлар томонидан маиший ёрдам кўрсатиш борасида ёрдамга муҳтож фуқароларга оварқ тайёрлаш, хонадонни тозалаш, кийим-кечакларни ювиш, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини олиб келиб бериш каби хизматлар қилинмоқда. Бундан ташқари, гигиеника парвариш, тиббиёт ва спорт муассасаларига ҳамроҳлик қилиш, турли кўникмаларни ўргатиш (тутуринг) каби хизматлардан фойдаланувчилар миннатдор бўлмоқда.

"Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғинида ёлғиз яшовчи Ким Марияга ҳафтасига беш кун давомида икки соатдан ижтимоий хизмат кўрсатилади.

— Менга жуда яхши хизмат кўрсатишмоқда, — дейди Ким Мария. — Саломатлигим аста-секин тикланмоқда. Ўзбек халқининг меҳр-оқибатини қадрлайман. "Инсон қадри" — давлат эътиборида" деган ғоя ҳаётимизда ўз ифодасини топаётганидан хурсандман.

Абдулазиз МУСАЕВ

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари тахририяти жамоаси "Жадид" газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзога волидаи муҳтарамаси **МУЪТАБАРХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими Ўрта Чирчиқ тумани ҳамда Нурафшон шаҳрининг "Машъал" газетасида кўп йиллар самарали фаолият юритган меҳнат фахрийси

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бандлик: ФАРОВОНЛИК УЧБУРЧАГИ

Оққўрғон туманидаги “Ишга марҳамат” касбий кўникмалар марказида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси, Судьялар Олий кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган тадбирда 22 та туман-шаҳарлардаги 200 га яқин корхоналар 4 минг 50 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

Шу кун 700 нафарга яқин банд бўлмаган фуқарога ишга жойлаштириш бўйича йўлланмалар берилди. Шунингдек, ярмарка доирасида касбий

туманидаги салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхонага ишга қабул қилинди. Мутахассислар маош, иш шароити ва имтиёзлар ҳақида



тайёргарлик курслари ва корхоналарга экскурсиялар ҳам ташкил этилди.

— Бир ой олдин Россиядан қайтдим, — дейди Шароф Тўлқинов. — Ушандан бери иш тополмай қийнаётган эдим. Яна хорижга кетмоқчи бўлганимда маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлаётганини айтиб қолди. Рост, аввалига иш топишимга ишонмагандим. Лекин ярмаркада Чиноз

атрофлича тушунтириш беришди. Келгусида шу соҳа бўйича тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйишни ният қилдим.

Статистикага кўра, ҳозирги кунда вилоятимизда 35 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари мавжуд. Шунга қарамай, 50 минг нафардан ортиқ ишсиз фуқаролар рўйхатга олинган. Бугун уларнинг малака ва қизиқишларига мос иш топиш, касбга қайта тайёр-

лаш жадаллик билан давом эттирилмоқда. Жорий йил бошидан буён ўтказилган ярмаркалар орқали 3 минг нафардан зиёд фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ тумани маъмурий марказида ҳам бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. “Карьера кўни” шiori остида ўтган тадбирда 30 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари жами 1 минг 200 дан ортиқ бўш

иш ўринлари билан қатнашишди.

Жараёнда 21 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди, 11 нафар йигит-қизга касб-хунарга ўқиш учун йўлланма тақдим этилди, шунингдек, 50 дан зиёд аҳолига юридик ва меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳатлар берилди.

Ярмаркада туман ҳокими Ихтиёр Қосимов иштирок этиб, иш излаётган ёшларга маслаҳат ва тавсиялар берди.

Меҳридин ИБРАГИМОВ
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

▼ Faxr

BALLI, CHAMPIONLAR!

Shvetsiyaning Gyoteborg shahrida an'anaviy tarzda o'tkazilib kelinadigan futbol bo'yicha "Gothia Special Olympics Trophy 2025" xalqaro musobaqasida O'zbekiston terma jamoasi yorqin g'alabaga erishdi.



Bu nufuzli turnirda har yili dunyoning turli burchaklaridan jamoalar qatnashadi. Joriy yilda 25 ta davlatdan maxsus Olimpiada terma jamoalari ishtirok etdi.

Faxr bilan aytish joizki, O'zbekiston maxsus Olimpiada milliy terma jamoasi musobaqada munosib ishtirok etib, barcha bosqichlarda raqiblariga imkon qoldirmay, chempionlik shohsupasiga ko'tarildi.

Milliy jamoamiz tarkibida Oqqo'rg'on tumanidagi 78-sonli alohida ta'lim ehtiyojlariga ega bolalar uchun mo'ljallangan ixtisoslashgan maktab-internatning 10 nafar iqtidorli o'quvchisi ham maydonga tushdi.

Ularning fidoyiligi, jamoaviy ruhda harakat qilishi va yuqori mas'uliyati g'alabaga katta hissa bo'lib qo'shildi. G'alaba muborak, chempionlar!



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azamot MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Nashr uchun mas'ul:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Navbatchi:

Zikrilla MUHAMMAD

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 20.00.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-735.

3 050 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taqoq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

▼ Шанба сабоқлари



Қиймат

Вафотидан олдин ота ўғлига шундай деди:

— Мана бу соат катта бобонгдан қолган. Бу буюмнинг ёши 200 йилдан ошган. Аммо уни сенга беришимдан олдин, бор, биринчи кўчадаги соат дўконига кириб, «отам бу соатни сотмоқчи», дегин. Қани, улар қанчага баҳолашар экан.

Ўғил айтилган жойга борди ва қайтиб келиб деди:

— Соат учун фақат 5 доллар таклиф қилишди. Чунки у эски экан.

Ота шундай деди:

— Энди боргинда, уни қахвахонада кўрсат.

Ўғил бориб келиб деди:

— У ерда ҳам шунча беришмоқчи – 5 доллар.

Ота яна деди:

— Энди уни музейга олиб бор.

Ўғил музейга бориб, қайтиб келиб деди:

— Улар бу занглаган темир учун бир миллион доллар таклиф қилишди!

Шунда ота деди:

— Мен сенга шунини кўрсатмоқчи эдим: ҳар бир нарса, ҳар бир инсон ҳақиқий қийматини фақат тўғри жойда топади. Нотўғри жойга тушиб қолсанг, қимсан, қийматнинг қанча – ҳеч ким билмайди.

Сарвар РАҲИМОВ
таржимаси

▼ Пишиқчилик

ЛАЗЗАТНИНГ БИР ТИЛИМИ...

Айтадиларки, қовун етмиш иллатга даво. Қовуннинг пишегани латиф, озуқалиги яхши бўлиб, буйрак ва қовуқдаги майда тошларни йўқотишда фойдали, юз рангини очади.

Ширин қовун таркибиде темир, калий, кремний моддалари кўп.

Қовунни куннинг биринчи ярмида ҳеч нарсаси аралаштирмай тановул қилган маъқул.



Ижодкор ён дафтаридан

Миллий фожиамиз

Воҳалик бир дўстимиз тўйга айтиди. Ўғлининг суннат тўйи экан. Беш юз кишилик ресторандан жой қилинган. Дастурхонда тошбақанинг гўшти, балиқнинг сутидан бошқа ҳамма нарса бор. Энг машҳур кўшиқчилар шу ерда. Ҳамдам “Жан-зе”ни уч марта айтиди, Машҳурбек “Сиқилма”ни айтавериби, сиқилиб кетди. Хуллас, маҳаллада дув-дув гап бўладиган тўй қилди танишимиз. Аммо уч кун ўтиб, унинг айтган илтимосидан шокка тушдим.



— Жўра, — деди у. — Банкда танишингиз бор экан, шунга айтинг, тўрт юз миллион сўмлик кредитга ариза топширганман. Шу ошангиз кўл қўйса бўлди экан.

Унинг ялинганнамо айтган гапидан хайрон қолдим.

— Анави кўни қилган тўйингизга банкирлар ҳам ҳавас қилади-ку.

— Э, тўй ўлсин, — деди у гапимни бўлиб. — Яқин бир дўстимдан бир йилда узаман, деб 40 минг “кўки”да қарз олувдим. Тўйнинг эртасига келиб ёқамдан бўяпти, ишқалим чиқти, деб. Шунга тез пул топиб, қарзини узасам бўлмайди.

Бу гапларни эшитиб, йўғлагим келди негадир. Қарз+кредит=тўй. Уйига ўт тушсин бундай тўйларнинг, бир кунлик аҳмоқона базмларнинг!

Конверт ичидаги тош

Яқинда Хивадаги “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқонаси номига Германия давлатидан, фуқаро Капкиндан почта орқали жўнатма келибди. Конверт ичида мактуб билан бирга ҳажми ўрик данагига катталигидеги тош бўлаги ҳам бор экан. Синчиклаб қаралса, у юзаси мовий рангда сирланган қошин синиги экан.

Мактубда инглиз тилида битилган қуйидаги сўзлар ёзилган экан. Таржимаси: “Мени кечирасиз. Мен бу тошни Қалта минордан олган эдим. Буни қайтариб

бермоқчиман.”

Бундан англашиладики, мактуб эгаси яқин орада турист сифатида Хива шаҳрида саёҳатда бўлган. Ичан қалъада сайр пайтида Қалта минорадаги қошинларнинг биридан синиб тушган кичик парчасини эсдалик сифатида олиб кетган. Сайёҳ юртига қайтгач ўзининг қилган ишидан пушаймон бўлган, виждони қийналган.

Тасаввур қилишимизча, ҳеч кимдан рухсатсиз олгани туфайли ачingan ва балки шу кичкинагина қошин бўлакчаси қачонлардир



минорани таъмирлашда зарур бўлиб қолса-чи, деган хаёлга борган бўлса, ажаб эмас.

Шу ўринда савол туғилади: “Бир кун туз еган жойга қирқ кун салом”, деган нақлларни қўйиллатиб топадиган, аммо амал қилмайдиган биз қаёқдамиз, ҳеч қанақа амру маъруф, даъватларсиз ҳам тозаликни, ҳалолликни амалда исботлаётган немислар қаерда?

Тошкентликлар

Аллоҳ risksимизни шу заминга сочган экан, кўплар қатори уни териб юрибмиз. Тошкентликлардан асл меҳрини, одамийликни жуда кўп кўрдик.

Эсимда, “Чорсу” бозори атрофида, ҳозир бузилаётган меҳмонхона рўпарасидаги бир домда ижарада турардик. Уй эгаси зиёли, асли тошкентлик, ўта маданиятли киши эди. Энди уйлардан пайтим бўлгани учун отахон мендан ҳадеганда ижара ҳақини сўрамакди. Бўш пайтларда у кишининг бизнинг хонамизга қўйилган китоб жавонини варақлаб ўтирардим. Жаҳон адабиётининг намуналари йиғилган эди бу жавонда. Ўшаларни тинмай ўқирдим. Менинг китоб муталоасига муккасидан кетганимни кўрган уй соҳиби икки ойлик ижара ҳақидан воз кечди. Ўша пайт бу ҳолат мен учун жуда катта ёрдам эди. Унга ҳеч ким эмасман, у ҳам менга ҳеч ким эмас. Пулдан қийналаётганимни биларди. Ҳолбуки, уйда ногирон фарзанди бор эди отахоннинг. Уни тинимсиз дўхтирлар парвариш қилар, муолажа учун мендан ҳам олдиндан ижара пулини олишга ҳаққи бор эди. Қаранг, у шундай қилмади, мусофир, ёш деб мени аяди, кўчага ҳайдаб солса бўларди. Аммо, одамийлик деган баланд рутбадан туриб, менга хайрихоҳлик қилди.

Жазираманинг фойдалари

Шу кунларда иссиқнинг кучидан “дод” деяпмиз. Лекин бу ҳароратнинг нафани кўпчилигимиз билмаймиз, чоғи.

Масалан, кўш қизитган асфальт ёки бетонда ўн минут оёқларингизни қўйсангиз, организмдаги шомоллаш касалликларидан асар ҳам қолмайди. Айниқса, ревматизм, замбуруғ касалликларининг шўрини қуритади бу иссиқ. Бунинг учун озгина сабр ва бардош керак. Оёқларингизни юрганда иссиқ ҳар қимга ҳар хил таъсир қилишини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Мисол учун юрагидеги касалликлар бундай юриш акс таъсир қилиши мумкин. Аммо буйрағи, ичаги, нафас йўлларидаги шомоллашни қуритиб юборади оёқларингиз юриш.

Ишонинг, шундай қилсангиз уқол дорию, химикату зарарга тўла таблеткаларга, энг муҳими, ортқча харажатларга йўл қўймайсиз.

“Ёндирса ҳам ёз яхши”, деб бежизга айтмаганлар ота-боболаримиз.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ